



НОКИМИ

ҲОКИМИ

Q A R O R

2010 yil "6" aprel

Samarqand tumani

616- Q sonli

“Каттакўрғонарик” қишлоқ фуқаролар йиғини
“Ўрта Туркман” маҳалласига маҳалла чойхона
биноси қуришга рухсат бериш тўғрисида”

Тумандаги “Каттакўрғонарик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Ўрта Туркман” маҳалла фуқаролар йиғини раисининг туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, тумандаги “Каттакўрғонарик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Ўрта Туркман” маҳалласи ҳудудидан маҳалла чойхонаси қуришга рухсат беришни сўраган.

Юқоридагиларни, туман ер танлаш ҳайъатининг далолатномаси, ҳамда «Шахарсозлик кодекси»нинг 20 моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Тумандаги “Каттакўрғонарик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Ўрта Туркман” маҳалла фуқароларига “Ўрта Туркман” маҳалласи ҳудудида бош режа асосида артезиан кудуғи ва маҳалла маркази учун қолдирилган 0.09 га ер майдони ҳисобидан масоҳати 70 м.кв маҳалла чойхонаси қуришга рухсат бериш тўғрисидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. “Каттакўрғонарик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Ўрта Туркман” маҳалла фуқаролар раисига маҳалла марказини қуришдан олдин қатъий равишда лойиҳа хужжатларини тайёрлаб туманнинг тегишли ташкилотлари билан келишилган ҳолда қуриш юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев